Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

rejalashtirishi, mashg‘ulot davomida barcha o‘quvchilarni faol va ongli ishlashlariga erishmog‘i lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.https://sputniknews.uz/
2.https://ru.wikipedia.org/wiki/
3. https://arxiv.uz/uz/documents/slaydlar/pedagogik-psixologiya/talimda-innovacion-tehnologiyalar
4. Xudoyqulov X.J., Allayarova S.N. Oliy ta'limda modulli o‘qitish va unda innovatsion texnologiyalardan foydalanish toshkent «mumtoz so‘z» 2019. V.20
5. Madreymova N. innovatsion ta'lim texnologiyalarining turlari va nazariy asoslari. https://cyberleninka.ru/
6. Dusmuxamedova D.R, Lafasov B.J Professional ta'lim o‘quvchilarini zamonaviy ta'lim texnologiyalari asosida o‘qitish. C:/Users/user/Downloads

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ

**Аҳмаджонов Содиқжон**
Андижон машинасозлик институти
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Янги Ўзбекистонимизнинг барқарор ва самарали иқтисодиётини шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилади. Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунн жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Айниқса, келажакни ўйлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” - деб айтган



Published: 17.05.2024
**Cite this article:** Аҳмаджонов Содиқжон (2024). Янги Ўзбекистонда иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши жараёнлари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/60
*© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.*

даъвати оламшумул аҳамиятга эгадир[1-1]. Шу ўринда ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини замон талаблари асосида шакллантириш ҳам долзарб вазифа бўлиб бормоқда.

Ёш авлоднинг бугунги кундаги иқтисодий билимларга бўлган ўсиб борувчи эҳтиёжлари, талабларини қондириш ҳам ҳаётий заруриятдир. Маълумки, мамлакатимизда борган сари шаклланиб бораётган бозор иқтисодиёти инсонларнинг тирикчилик қилиш ва хўжаликларини ривожлантириш тизими сифатида ўз қонуниятларига эгадир. Бу қонуниятларни ўрганиш, эгаллаш, шу билимлар асосида ҳаракатлар жараёнида фойдаланиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш катта аҳамиятга молик вазифадир.

Ёшларнинг иқтисодий онгу тафаккурини бозор муносабатлари асосида шакллантириш ва тарбиялаш натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ҳаётга татбиқ қилишда уларнинг фаоллиги ортади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шу боисдан ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини изчил ислоҳ қилмоқдамиз” - деб таъкидлаган[2-23]. Ўзбекистонда иқтисодий тафаккурнинг ҳамда тарбиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга бўлиб, унда «Авесто» маълумотлари, Муқаддас китобимиз «Қуръони карим» насиҳатлари, Ҳадиси шарифдаги қадриятлар халқимиз ҳаёт тарзида маҳкамланиб келмоқда. Булар узоқ давр мобайнида, миллатимиз иқтисодий онги ва тафаккурининг ривожланишида, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият ва анъана, урфодатларимизнинг юзага келишида мустаҳкам пойдевор ва асос бўлиб келмоқда. Жаҳоншумул асар бўлган «Авесто»да кишиларнинг деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиш кераклиги, ер, сув, ҳавони булғалаш, ифлослантириш оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади[3].

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий мафкуравий тараққиётининг ҳозирги босқичида тадбиркорлик қобилиятининг ривожланиши кишиларда мулкдорлик маданиятини шакллантириш, ресурслардан тежамли ва унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини том маънода юксалтириш, аҳолида иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг қанчалик ривожланганлиги билан кечади. Иқтисодий тафаккур – инсоннинг иқтисодий жиҳатдан воқеаҳодисаларни таҳлил қилиши, унга баҳо бериш ва қарор қабул қилиш; кишидаги иқтисодий онг, иқтисодий қарашлар, иқтисодий фаолият, иқтисодий билим ва тушунчалар, иқтисодий хатти-ҳаракат мажмуидан иборат бўлиб, унинг асосида иқтисодий маданият пайдо бўлади.

Иқтисодий таълим иқтисодий тарбиянинг аҳамиятини янада ошириб, унинг самараси тадбиркорлик, ресурслардан тежамли фойдаланиш, банк кредити билан ишлаш, пинҳоний иқтисодиётдан сақланиш ва солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, уй хўжалигини юритишда ҳисоб-китоб, янгиликларга интилиш ва жамият иқтисодий фаолиятидаги иштирокида намоён бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотларининг

жамиятга жадал татбиқ этилиши, унинг асл моҳиятини англаш ва рўёбга чиқариш ҳам аҳолида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлиги ва иқтисодий билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигига боғлиқ.

Иқтисодиётни ривожлантирувчи куч инсон омили экан, инсоннинг иқтисодий билимларни эгаллаши ва иқтисодий тарбияга эга бўлиши, иқтисодий маданиятлилигини таъминлайди. Иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни шакллантиришдан иборат. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий билимлар, иқтисодий таҳлил кўникмалари,иқтисодий тафаккур ва ўзига хос сезгилар (масалан, мулкка эгалик ҳисси)ниўзлаштириш даражасини таърифловчи бу билим, кўникма, 229 ижтимоийсезгиларни инсоннинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очибберувчи бошқа бирон-бир маданият ёки иқтисодий тарбия услубига боғлиқ бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда инсон ижтимоий фаолиятининг ана шу тамонларини акс эттиради.

Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг кўникмаларини ўзлаштирмасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда қуйидагиларни ўз ичига олади: - иқтисодий билимлар, яъни иқтисодий назария асосларини, ходимнингихтисослиги билан узвий боғлиқ бўлган муайян иқтисод соҳасини, халқароиқтисодий муносабатларнинг асосларини билиши лозим; - хўжалик юритиш билими, малака ва кўникмаларининг ривожланганлиги; - ташаббускорлик ва тадбиркорликка, масъулиятни оширишга, кам харажат қилиб, катта иқтисодий натижаларга эришиш имконини берувчи йўлларни ижодий излашга йўналтирилган иқтисодий тафаккурнинг янги типи, яъни кўринишидир; - тежамкорлик, омилкорлик, хўжасизликка нисбатан муросасизлик кабиижтимоий хислатларни шакллантириш;иқтисодий билимлар, кўникмалар ва маҳоратни кундалик амалиётдамеҳнатда, оилавий маиший муносабатларда, ижтимоий-сиёсий, бошқарув ватадбиркорлик фаолиятида қўллаш. Шундай қилиб, иқтисодий билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш иқтисодий маданиятдан маънавиятга, билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутади. Демак, иқтисодий маданият иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир.

Жамиятда иқтисодий муносабатлар сақланар экан, иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, педагогик-психологикасос ва хусусиятларга эга бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодийтарбиянинг фаолияти билимдан эътиқодга ва мазкур билимларни амалиётгататбиқ этишга ҳаракат тарзида содир бўлади. Иқтисодий маданият ваиқтисодий тарбия ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолиятга иқтисодиёт ваиқтисодий тарбия назарияси нуқтаи назаридан, ҳаёт ҳодисаларига бозор номалари ва қонуниятлари ҳамда қоидалари талабидан қарашни талаб этади. Иқтисодий маданият иқтисодий тарбия назариясини ўзагидир.

Бугунги кунда республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таълимнинг асосий вазифаси сифатида жаҳон

талабларидаражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослашаоладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиганахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақилфикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия кенг кўламли узлуксиз жараён ҳисобланади. Бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари бирдек иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари ёрдамида иқтисодий тафаккур шаклланишига хизмат қилувчи амалий тадбирларни ташкил қилиш, улар ёрдамида ҳар бир оилага кириб бориш, суҳбатлар ташкил қилиш, иқтисодий маданиятни тарғиб қилувчи шиор ва ташаббуслар билан чиқиш, маҳаллаларда тарғиботташвиқот ишларини олиб бориш лозим.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Мирзиёев. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамиятнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь.
2.Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.,”Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 23-бет.
3. Авесто: “Видевдот” китоби. –Т., 2007.

# IJTIMOIY SHERIKLIK VA UNING HOZIRGI DAVR UCHUN AHAMIYATI

**Abdullayev Tursunboy Yaxshiboyevich**
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti dotsenti, f.f.n
**Yo‘ldashaliyev Baxodirjon Iqboljon o‘g‘li**
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti
MMT ta’lim yo‘nlishi 2-bosqich talabasi

**Anontatsiya**: Mazkur maqolada Yangi O‘zbekiston sharoitida ijtimoiy sheriklik-ning o‘ziga xos jihatlari, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishdagi aholi turmush darajasini oshirish, mehnat jamoalariga ijtimoiy adolat, qonun ustuvorligini ta’minlashdagi ahamiyati, ijtimoiy sheriklik tarixi bilan bog‘liq masalalarni tahlil qilishga harakat qilingan.

**Kalit so‘zlar**: Sheriklik, ijtimoiy sheriklik, ijtimoiy sheriklik tarixi, Markaziy Osiyo va Yevropada ijtimoiy sheriklik, ijtimoiy sheriklikning shakllanishi, ijtimoiy sheriklikningme’yoriy-huquqiy asoslari, Yangi O‘zbekistonda ijtimoiy sheriklik.

Ijtimoiy sheriklik - davlat organlarining nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini, shu jumladan tarmoq, hududiy dasturlarni, shuningdek